

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ҚОСИМОВ АЪЗАМ АЗИМОВИЧ

**БОЛАЛАРДА БИЛАК СУЯКЛАРИ ҚАЙТА СИНИШИ
(РЕФРАКТУРА) ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қосимов Аъзам Азимович

Болаларда биллак суяклари қайта синиши (рефрактура)
ва уларни даволаш хусусиятлари 3

Қосимов Аъзам Азимович

Повторные переломы (рефрактуры) костей предплечья у детей
и особенности их лечения 21

Qosimov Azam Azimovich

Repeated fractures (refractures) of the forearm bones in children
and peculiarities of their treatment..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ҚОСИМОВ АЪЗАМ АЗИМОВИЧ

**БОЛАЛАРДА БИЛАК СУЯКЛАРИ ҚАЙТА СИНИШИ
(РЕФРАКТУРА) ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Tib436 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжанов Искандар Юнусович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Борзунов Дмитрий Юрьевич
тиббиёт фанлари доктори
(Россия Федерацияси)

Дурсунов Ахмат Маликшаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

М.М. Ахмедиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Болаларда билак суяклари синишлари таянч-ҳаракат аппарати жароҳатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳон адабиёти маълумотларига қараганда, билак суяклари синишларининг қайта синиш кўринишидаги асоратлари 4-21,3%¹ ни ташкил этмоқда. Даволашнинг қатор янги усуллари ишлаб чиқишига қарамай, суяк бўлакларининг нотўғри ва секин битиши, тўлиқ даражадаги репозиция имкониятларининг чегараланиши, металлоконструкция турини нотўғри танланиши, суякланиш қадоғининг тўлиқ ривожланмаслиги каби ҳолатлар рефрактура ва ре-рефрактураларнинг юзага келишига ва ногиронлик сонининг ошишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда билак суяклари қайта синиши (БСҚС) ва унинг асоратлари бўлган болаларни даволаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Рефрактураларнинг келиб чиқиш сабаблари, иммобилизация муддатлари, суяк синиқлари атрофида асептик некрозлар, қон билан таъминланиш даражалари, суяк қадоғи босқичлари, витамин Д етишмовчилиги билан боғлиқлиги каби муаммолар ўрганилган. Гипсли боғлам ёрдамида бир босқичли консерватив даволаш, суяк бўлакларини репозиция қилиш, эластик интрамедуляр остеосинтез ва интернал фиксация каби хирургик даволаш усуллари ишлаб чиқилган. Кичик пластина ва винтлар, интрамедуляр Илизаров ва Киршнер сихлари, компрессион мосламаларни қўллаш эса даволаш натижаларини яхшилашга олиб келган. Бинобарин, асоратларнинг сабабларини ўрганишга бағишланган, клинικο-морфологик ўзгаришларга асосланган қарашларнинг етарли эмаслиги, қайта синишларда суяк тўқимаси ўзгаришлари репаратив жараёнлар босқичларига боғлиқ ва ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги адабиётларда кам ёритилган. Амалиётда қўлланилаётган «даволаш усуллариининг етарли даражада самара бермаётганлиги»² рефрактураларни даволашнинг оптимал йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб ва муҳим эканлигини исботлайди.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам хизматининг асосий вазифаларидан бири таянч-ҳаракат аппарати шикастларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш ва мажмуавий чораларни ўтказишни таъминлашга алоҳида эътибор қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида³ аҳолига тўлақонли ҳаёт тарзини таъминлаш учун «тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш» бўйича қўйилган вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан бири болаларда БСҚСни консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўлиб, қўлни анатом-функционал тиклаш долзарб йўналишларнинг бири ҳисобланади.

¹ World Health Organization. Injuries: fact sheet no.7. World Health Organization website. 2015. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/en>, accessed March 12.

² Ochs BG., Gonser CE., Baron HC. et all. /Refraction of Long bones after implant removal. An avoidable complication? //Unfallchirurg. 2012; 115(4): 323-9.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши” ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 20 июнида ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суяклар қайта синишининг клиник белгиларига бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар уларнинг бирламчи синиш (БС)дан фарқ қилишини таъкидлайди ва асосан катталарга хос адабиётларга тааллуқли (Имамалиев А.С., Лирцман В.М., Лукин В.П. ва бошқ., 1982; Чернов Д.В., 2010; Руденко Э.В., Кезля О.П., Эйсмонд О.Л. ва бошқ., 2014; Beaupre G.S., Csongradi J.J., 1996). Болаларда БСҚСнинг клиник белгилари санокли олимлар томонидан адабиётларда ёритиб ўтилган (Баиров Г.А. 2000; Бортулев П.И., Проценко Я.Н., Овсякин А.В. ва бошқ., 2015) ва болаларда БСҚСларнинг клиник белгилари симптомсиз ёки яширин кўринишда намоён бўлиши, бирламчи битишнинг қайси босқичида юзага келган рефрактурларга боғлиқлиги ва бу ўз навбатида қайта синишнинг битиш жараёнига таъсир кўрсатиши муаммонинг ўрганилмаганлигини англатади. Тажриба ҳайвонларида БСнинг морфологик хусусиятлари етарли даражада ўрганилган (Дедух Н.В., Мальшкіна С.В., 2006; Корж Н.А., Дедух Н.В., Ашукина Н.А., 2006), лекин қайта синиш морфологияси, клиник белгиларнинг бирламчи битишнинг турли даврида юзага келган рефрактураларга боғлиқ бўлиши, репаратив регенерация жараёнлари босқичларига боғлиқ тадқиқотлар ўтказилмаган.

Болалар БСҚСларида консерватив даволаш БСлардаги каби бир босқичли гипс боғлами ёрдамида олиб борилган, иммобилизация узок вақтгача давом эттирилган, бу эса турли асоратлар ривожланишига омил бўлган (Елистратов Д.Г., Щербакова Ю.Г., Прокофьев И.А. ва бошқ., 2015; Arunachalam V.S., Griffiths J.C., 2005), қайта синган соҳада қадоклар ҳосил бўлиши кетма-кетлигини инобатга олиб, асоратларни олдини олиш учун босқичли гипсда даволаш усулларини қўллаш масалаларига кам эътибор берилган. Болаларда БСҚСнинг энг кенг тарқалган замонавий хирургик даволаш усули худди БСдагидек интрамедулляр сихлар (Schmittenbecher P.P., Fitze G., Godeke J. et al., 2008; Weinberg A.M., Amerstorfer F., Fischerauer E.E. et al., 2009; Pim W van Egmond et al., 2013), кичик пластиналар (Chi-Kuo Yao, Kai-cheng Lin, Yin-Wen Tarng et al., 2014) билан фиксациялаш ҳисобланади.

Болаларда БСҚСларда суяк бўлақларини интрамедулляр остеосинтез қилиш вақтида сезиларли кўп хатоликларга йўл қўйилади, натижада суяклар орасида диастаз қолади ва асоратлар кўпайишига олиб келади. Билак суяклари бирламчи битишнинг қадоклар сўрилиши босқичидаги қайта синишларнинг

интрамедулляр остеосинтездан кейин битиш жараёнининг секин кечиши контрактураларнинг ривожланишига, қайта синган соҳани битмаслиги ва сохта бўғимни ҳосил бўлишига мойиллик яратади (Ochs B.G., Gonser C.E., Baron H.C. et al., 2012; Chi-Kuo Yao, Kai-cheng Lin, Yin-Wen Tarng et al., 2014) ва бу эса ўз навбатида бемор учун муаммолар келтириб чиқаради.

Адабиётлар таҳлили кўрсатдики, болаларда БСҚСларнинг морфологик ўзгаришлари кам ўрганилган, даволашнинг услубий ёндашувларига ягона тўхтам мавжуд эмас, амалиётда қўлланиладиган даволаш усуллари етарлича асосланмаганлиги бирламчи битишнинг қадоқлар сўрилиш босқичида юзага келган рефрактураларни даволашда интрамедулляр сихлар+Илизаров аппарати ёрдамида бажариладиган комбинацион остеосинтезнинг (КО) ўз вақтида суяклар битишини таъминлашдаги ахамиятини асослаб бериш заруриятини таъкидлайди.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг 2010-2013 йй. ва 2009-2011 йй.да АТСС 7.2.-сон «Болаларда кўл-оёқ шикастлари ва деформацияларини даволашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш ва мукамаллаштириш» номли илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда билан суякларни қайта синишларининг клиник-морфологик ўзгаришлари ва регенерация жараёнлари хусусиятларини таҳлил қилиш асосида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда БСҚСларини даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

болаларда БСҚСларининг клиник хусусиятларини ўрганиш;

тажриба қуёнларида БСҚСлардаги турли битиш муддатларида суяк ва юмшоқ тўқима тузилмаларининг морфологик хусусиятларини аниқлаш;

болаларда БСҚСларининг регенерация муддатларига асосланган холда консерватив ва хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш;

болаларда БСҚСларини даволашнинг узок муддатли натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг болалар травматологияси бўлимида билан суякларининг синишлари ва қайта синишлари билан даволанган 199 нафар бемор болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба қуёнларида бирламчи ва қайта синишлардаги ўзгаришларни қиёслаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар, болаларда БСҚСларининг клиник-лаборатор текширувлари, антропометрик ўзгаришлари, рентгенологик ва морфологик маълумотлар олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида клиник, антропометрик, рентгенологик, экспериментал, морфологик ва статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда БСҚСлари клиник кўриниши қадоқ ҳосил бўлиш жараёнларига боғлиқ бўлиб, бунда остеорепарациянинг эрта босқичларида қадоқлардан қон қуйилишининг сезиларли кечиши ва қон элементлари тўқималарнинг битиш жараёнларида катализатор ролини бажариши, қадоқларнинг сўрилиш даврида эса қон қуйилишининг сустроқ кечиши ва остеорепарация жараёнларига таъсир кўрсатмаслиги исботланган;

экспериментал қуёнлар БСҚСларида БСларга нисбатан регенерациянинг эрта босқичлари қисқа кечиши, кейинги босқичларининг эса узайиши ва қадоқлар ҳосил бўлиши эндостал қатламининг ҳисобига содир бўлиши исботланган;

болалар БСҚСда клиник ва рентгенологик белгиларга ва суяклар фиксациясининг босқичма-босқич ечилишига асосланган даволаш тактикаси регенерация жараёнининг ўз вақтида кечишини таъминлаши исботланган;

болаларда БСҚСни сихли интрамедуляр + Илизаров аппарати қўлланилган комбинацион остеосинтез орқали суяк бўлаклари охирларини бир-бирига яқинлаштириш ва мустаҳкам ушлаб туриш натижасида синган соҳани равон битишини таъминланиши исботланган;

болаларда БСҚСда рефрактура локализацияси ва даволаш усулининг тури инобатга олинган ҳолда регенерация мустаҳкамлигини ошириш имконини берувчи иммобилизация муддатлари белгиланган;

болаларда БСҚСни даволаш тактикасини белгилаш имконини берувчи клиник ва рентгенологик белгиларга асосланган рефрактуранинг илк таърифи аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда БСҚСнинг клиник ва рентгенологик диагностик критерийлари тавсия этилган;

болаларда БСҚСда регенерация босқичларига кўра консерватив ва оператив даволаш тактикасини белгилаш тартиби тавсия этилган;

болаларда БСҚСларини даволашда синик соҳасини мустаҳкам ҳолда сақлаб туриши ва суяк бўлақларининг ўз вақтида битишига шароит яратиб берувчи комбинацияли остеосинтез тактикасининг самарадорлиги исботланган;

болалар БСҚСларида асоратлар хавфининг камайишига (битмай қолиши, сохта бўғим, суяк нуқсонлари) ва суяк структурасини ва қўл функцияларининг тикланишига имкон берувчи оптимал иммобилизация муддатлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган усуллар, назарий маълумотларнинг тадқиқот натижалари билан мос келиши, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-инструментал ва экспериментал-морфологик усулларнинг қўлланилиши, олинган натижаларнинг статистик таҳлиллар ёрдамида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти болаларда бирламчи ва БСҚСларининг регенерация даврида кечадиган морфологик ва гистологик ўзгаришларнинг қиёсий маълумотлари суяк қадоғи ривожланиши ҳақидаги назарий билимларга янгича ёндашувга замин яратганлиги, клиник ва рентгенологик диагностикани

оптималлаштирганлиги билан изоҳланади. Ишнинг алоҳида натижалари БСҚСлари бўлган болаларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича талаба ва курсантларни ўқитиш дастурлари мазмуни ва структурасини мукамаллаштириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болаларда БСҚСларини даволаш тактикасини танлаб берувчи алгоритм ишлаб чиқилганлиги, унинг амалиётга жорий этилиши болаларда асоратлар сонининг камайишига сабаб бўлганлиги ҳамда морфологик асосланган клиник ва рентгенологик критерийлар рефрактураларни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда БСҚСларини ташхислаш ва даволаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

«Болалар суяклари рефрактураси (клиника, ташхислаш ва даволаш)» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 8н-д/44-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома болалар БСҚСни даволаш-ташхислаш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

болалар БСҚСни даволаш тактикасини танлаш алгоритми, суяклар синишини ташхислаш ва регенерация муддатига кўра даволаш тактикасини танлаш ҳамда даволаш натижаларини баҳолаш дастурлари ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 8н-д/44-сон маълумотномаси);

болаларда БСҚСни даволаш хусусиятларини ўрганиш натижасида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Тошкент шаҳри 2-сон болалар жарроҳлик шифохонаси амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 8н-д/44-сон маълумотномаси). Болаларда БСҚСни даволашнинг яхши натижалари 2,5 баробарга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг натижалари 8 илмий-амалий анжуманларида, жумладан 2 таси халқаро ва 6 таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, республика

фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда суякларнинг қайта синишлари ташхиси ва даволашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» номли биринчи бобида рефрактуранинг этиопатогенези, болаларда БСҚСнинг ўзига хос равишда кечиши, клиник намоён бўлиши, ташхислаш ва мавжуд даволаш услубларига бағишланган. Билак суяклари рефрактураси бўлган бемор болаларда БСҚСларни ташхислаш ва даволаш муаммоларига бағишланган кам сонли адабий фикрлар таҳлили ўтказилган, мавжуд консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари, узоқ муддатли даврлардаги асоратларнинг сабаблари тавсифланган. Боб қисқа ҳулоса билан яқунланган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва текшириш усуллари**нинг тавсифи» номли иккинчи бобида беморлар таърифи, қўлланилган усуллари, антропометрик, термометрик, морфологик ва статистик тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Иш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти клиникасида 2000-2016 йиллар давомида ёндош касалликлари бўлмаган билак суяклари синишлари ва рефрактуралари билан даволанган 199 нафар (173 нафар ўғил ва 26 нафар қиз болалар, ўртача ёши $9,75 \pm 0,28$) беморларнинг текширувлари ва даволаш натижалари таҳлилига асосланган.

Болалар асосий ва назорат гуруҳларига ажратилди: Асосий гуруҳни БСҚС бўлган 78 (39,2%) нафар болалар ташкил этди: улардан 51 (65,4%) бемор консерватив даволанган. 27 (34,6%) нафари эса жарроҳлик йўли билан даволанган, шу жумладан (10 (12,8%) беморда сихли интрамедуляр остеосинтез (ИМОС) ва 17 (21,8%) беморда сихли интрамедуляр + Илизаров аппарати қўлланилган комбинацион остеосинтез (КО) усуллари бажарилган.

Биринчи назорат гуруҳини БСҚС бўлган 89 (44,7%) нафар болалар ташкил этди: улардан 64 (71,9%) бемор консерватив, 25 (28,1%) бемори сихли ИМОС орқали жарроҳлик йўли билан даволанган.

Иккинчи назорат гуруҳини билак суяклари БСлари бўлган 32 (16,1%) нафар болалар ташкил этди: уларда асосан клиник, антропометрик ва рентгенологик текширувлар ўтказилди ва олинган натижалари таққосланди.

Барча болаларда клиник текширувлар (синиш соҳасини пальпацияси, 5-7 кун давомида тана ҳароратини ўлчаниши), билак соҳасида антропометрик ва рентгенологик текширувлар ўтказилди. Барча беморларда БСларнинг ҳолатига кўра қайта синишлар вақти ва муддати, синишнинг локализацияси ва шакли, силжишнинг мавжудлиги белгиланди. Клиник, антропометрик ва рентгенологик текширувлар натижалари барча 3 та гуруҳ беморларида қиёсий таққосланди.

Ишнинг экспериментал қисми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли В.В. Вохидов номидаги Жарроҳлик илмий марказининг экспериментал лабораториясида ўтказилди. Тажрибалар 2-6 ойлик 24 та зотсиз қуёнларда (вазни ва ёши аналогик бўлган) ўтказилди. Тажрибавий тадқиқотлар

доирасида 24 та қуёнларда билак суякларининг кўндаланг бир томонлама БС модели ишлаб чиқилди, ташқи фиксация аппарати ўрнатилди (икки суякли сегментларда), сўнг 14 кунга келиб, 12 нафар объектда аввалги синган соҳада қўл билан қайта синиш ҳосил қилинди. 24 қуёнлар БСҚСлари битиши босқичларига кўра 3 синфга ажратилди. Биринчи синф 8 қуёндан иборат бўлиб, 4 нафардан икки гуруҳга ажралган ва уларда қайта синишдан кейинги 14, 21 ва 28 кундаги регенератив жараён ўрганилди ва БСдаги ҳолати билан қиёсланди. Суяклар битиш жараёнлари мониторинги тажрибанинг барча босқичларида рентгенологик усул орқали ўтказилди.

Олинган натижалар компьютерда Excel 7,0 дастурида статистик ишлов берилди. Стъюдент t-мезони орқали фарқланишлар, тенг ёки 2,0 дан катта ёки мос келиш эҳтимоли 5% дан кам ($p < 0,05$) бўлиши ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Болаларда билак суяклари қайта синишларининг клиник тавсифи**» номли учинчи бобида билак суяклари БС (32 беморда) ва БСҚС (32 беморда) клиник белгиларининг (шикастланган сегмент айланаси, тана ҳарорати ва оғриқ синдроми) намоён бўлишини қиёслаб ўрганиш натижалари келтирилган. Билакнинг жароҳатланган соҳасидаги шиш белгилари динамикаси соғлом қўл билан унинг уч қисмига бўлинган ҳолда қиёсий шикастланган сегментнинг айланасини ўлчаш орқали ўрганилди: синиқ соҳаси, диафизнинг тепа ва қуйи учдан бир қисми ва бу юқори даражали ишончилилик ($p < 0,001$) кузатилган, юқори кўрсаткичлар БСнинг ўрта қисмда (диафизнинг ўртасида) аниқланган. БСда шиш 7 кун ва ундан ортиқ вақт давомида сақланиб турган, тепа ва қуйи учдан бир қисмида шиш бир неча кун камроқ (5 кун) сақланиб турди. БСҚСда биринчи кун шикастланган сегмент айланаси ўрта қисмида 1,6 мартагача кам бўлди ва кўрсаткичлар иккинчи кунга келиб пасайиб борди. БСҚСда шикастланган сегмент айланаси БСдаги сегмент айланаси билан фақат биринчи кунда ва биринчи 3 ой давомида юзага келган рефрактураларда, яъни регенерациянинг дастлабки босқичида қиёсланиши мумкин. Рефрактура остеорепарациянинг 3-4 фазасида интермедиар қадоқ шаклланиш ва суяк канали ёпиқ даврида рўй берса, синган соҳага қон қуйилиши маълум даражада катта бўлмайди, айрим ҳолларда ўлчамлар соғлом қўлга мос равишда ўхшаш бўлади.

БСда умумий тана ҳароратини реакцияси гематомага боғлиқ бўлади, қайта синишларда эса БСнинг юзага келган муддатига яъни қадоқланиш босқичига боғлиқ бўлади. Термометрия эрталабки вақтда бир маротаба ўтказилди, БСда ўртача тана ҳарорати дастлабки 3-4 кун давомида ошиши, айрим ҳолларда тана ҳарорати $38,0^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши ва 4-5 кунга келиб, секин меъёрга тушиши ҳолатлари кузатилди. БСҚСда тана ҳароратининг энг юқори кўрсаткичи биринчи кунда $37,1-37,2^{\circ}\text{C}$ га кўтарилди, тана ҳароратининг ўртача кўрсаткичлари эса дастлабки кунларда меъёрдан кўтарилмади ва $36,8 \pm 0,03^{\circ}\text{C}$ дан иборат бўлди, бу эса БСлар кўрсаткичларидан анча паст бўлди ($p < 0,001$).

Болалар БСларида оғриқ синдроми қайта синишдагига нисбатан интенсив бўлади ва у гематома, ўраб турган юмшоқ тўқималар зўриқиши ва оғриқ рецепторларининг кўзғалиши билан боғлиқ бўлади. Барча болалардаги оғриқ синдроми юз ифодаларидан иборат бўлган Вонг-Бейкернинг (1988) рейтинг шкаласи бўйича баҳоланди. БСларда “бироз оғрияпти” ёки “енгил оғриқ” деб

баҳоланган ҳолат кузатилмади. 5 нафар болада (15,6%) “кучлироқ оғриқ” аниқланди, 10 баллдан иборат бўлди. “Анча кучли оғриқ” баҳоси 13 (40,6%) болада кузатилган (39 балл). “Жуда қаттиқ оғриқ” баҳоси 8 нафар болада (25%) (32 балл) аниқланди ва “чидаб бўлмайдиган даражада оғриқ” баҳоси 6 нафар болада (18,8%) (30 балл) кузатилган.

БСҚС бўлган беморларда оғриқ кучли бўлмаган, яъни “оғриқсиз” баҳоси 32 боладан 2 нафар болада аниқланди. 11 нафар болада (34,7%) “бироз оғрияпти” (11 балл), шундан 8 беморда БСҚС бўлган, оғриқ рецепторларини ўраб турган юмшоқ тўқималар чандиқли билан ўралганлиги оғриқнинг кучсизлигига сабаб бўлган. 16 ҳолатда (5%) (32 балл) оғриқлар енгил интенсив бўлган ва суяклар бўлақларининг репозиция талаб қилмайдиган силжишларида ва кичик ҳажмдаги суяк атрофи гематомасида кузатилган. БСҚС гуруҳида “анча кучли оғриқ” баҳоси 3 нафар беморда (9 балл) аниқланган. Болалар БСҚСларида “жуда қаттиқ оғриқ” ва “чидаб бўлмайдиган даражадаги оғриқ” баҳоси кузатилмади.

Суяк бўлақларининг силжиши шикастнинг суяк тўқимасига механик таъсиридаги кинетик энергиясига боғлиқ бўлади. БСларнинг аксарият ҳолларида силжиш сегментнинг узунлиги бўйлаб – 14 нафар болада (43,7%), бўлақлар мос келмаслиги – 11 нафар болада (34,4%), 5 нафар болада (15,6%) бурчакли силжиш кузатилди ва 2 нафар беморда (6,2%) суяк силжишлари кузатилмаган.

БСҚСларнинг 7 та ҳолатида (21,9%) суяк бўлақлари силжиши рўй бермаган, 19 нафар болада (59,4%) рентгенограммада бурчакли силжиш аниқланган, бироқ БСларга нисбатан камроқ намоён бўлган. 2 ҳолатда (6,2%) сегментнинг узунлиги бўйлаб бўлақлар силжиши аниқланди, суяк бўлақларининг мос келмаслик ҳолатлари 4 нафар беморда (12,5%) кузатилган. Суяк бўлақларининг силжиши рефрактуранинг БСга нисбатан юзага келган вақтига ва шуниси муҳимки, қадоқланиш босқичига боғлиқ бўлади.

БСда муҳим клиник белги айниқса, суякнинг диафизар қисмида суяк бўлақларининг ўткир учлари ва уларнинг ҳаракатчанлигида суяк бўлақларининг крепитацияси бўлиб, бу ҳолат бирламчи синиш беморларининг 27 нафарида (84,4 %), улардан крепитация 14 (43,4%) нафарида суяк бўлақлари узунлиги бўйлаб силжиши аниқланган бўлса, 11 нафар (34,4%) болаларда бўлақлар мос келмаслиги, ва 2 (2,6%) нафар болада бурчакли силжиш кузатилган. БСнинг 5 ҳолатда (15,6%) болаларда крепитация кузатилмади. Қайта синишда крепитация анча камроқ ҳолларда аниқланди – 32 ҳолатдан 3 нафарида (9,4%), шунингдек, рефрактурада крепитациянинг “юмшоқлиги” кузатилган. Эрта муддатларда (уч ойгача бўлган давр) крепитация мавжуд эмаслигининг сабаби суяк қадоғи бўлиб, у ҳатто суяк бўлақларининг кучли силжиши суяк ораси ишқаланишига тўсқинлик қилади, бу ҳолат дастлабки шикастдан кейинги кечроқ муддатларда ҳам (6 ойдан кейин), яъни суяк қадоқлари сўрилиб кетганидан кейин аниқланади.

БСларда синиқ жойнинг деформацияси, айниқса суяк бўлақлари силжиши ҳолатларида аниқ белги бўлиб ҳисобланади, рефрактурада эса деформациянинг намоён бўлиши шикастлар соҳасидаги репаратив жараёнларнинг муддатларига боғлиқ бўлади. БС ҳамда БСҚСларда деформациянинг визуал кўриниши рентгенологик тасвирлардан сезиларли даражада фарқланади. Рентгенда деформация БС бўлган 32 боладан иборат: гуруҳда 30 нафарида (93,8%), қайта

синишларда эса – 32 нафар боладан 25 (78,2%) нафарида аниқланган; БСҚСларда визуал деформация анчага пасайган – 19 (59,4%) ҳолат. БСҚС аниқланган болаларда кўриқда сезилмайдиган даражадаги деформация ҳолатлари БСларга нисбатан кўпайиши кузатилган (мос равишдаги 17 ва 13 ҳолат). БСҚС бўлган болаларда визуал аниқланган нисбатан сезиларли деформация фақатгина 2 ҳолатда аниқланди, қиёсий гуруҳда эса 16 ҳолатда ($p \leq 0,01$).

Шикастланган кўл функциясини баҳолашда ҳам фарқлар кузатилди. БС бўлган болаларда ҳаракатлари чекланган шикастланган кўл функцияларининг бузилиши фаол ва пассив ҳаракатларда ҳам кучли намоён бўлган, БСҚСларда эса фаол ҳаракатларда оғриқ ва ҳаракатлар чекланиши кузатилмаган, бироқ текшируви вақтида болалар оғриқдан безовта бўлган.

Ўтказилган тадқиқотлар БСларга нисбатан БСҚСлардаги клиник белгиларда ишончли фарқланишларни кўрсатди. Рефрактуларда клиник белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, қайта синишлар юзага келиш вақт, муддатларига ва остеорепарация босқичларига боғлиқ бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида болаларда суякларнинг қайта синиши (рефрактураси)нинг шаклланишидаги қуйидаги шартлари ишлаб чиқилди:

- БСдан олдин суякнинг соғлом бўлиши зарур, бунда организмдаги бирор бир патологик жараёнлар оқибатидаги синишлар истисно этилади;
- бемор анамнезида қайта шикастловчи омилнинг мавжудлиги;
- рефрактуранинг айнан дастлабки синиш юз берган соҳада, ҳосил бўлган суяк қадоғи ёки дастлабки синишнинг ёнида, БС соҳанинг битиш жойида содир бўлиши (қадоқ синиши);
- рефрактуранинг БС бўлаклари консолидациясидан кейин содир бўлиши, бунда сохта бўғимлар ва битмаган синишлар истисно қилинади.

Клиник ва рентгенологик текширувлар маълумотлар ва юқорида келтирилган шартлар асосида юз берган шикастларнинг болаларда суяк қайта синишлари (рефрактураси)нинг таърифи берилди: **Суякнинг бирламчи синишидан олдин соғлом бўлиши асосида айнан дастлабки суяк синиғи ёки синиқ яқинида шаклланган суяк қадоғи соҳасида ёки бирламчи синиқ бўлақларининг консолидациясидан кейин юз берган синишларга болаларда қайта синиш(рефрактура)лар деб аталади.**

Диссертациянинг “**Экспериментал хайвонларда қайта синишларнинг морфологик тавсифи**” номли тўртинчи боби қайта синишлардаги битиш жараёнларининг патоморфологик қайта тикланишига бағишланган.

Қуёнларда БСлар ва БСҚСларда ўтказилган экспериментал ва морфологик тадқиқотлар натижалари солиштирма тарзда синишлардан кейин 14, 21, 28 кунларда таҳлил қилинди. БСларда кузатилган морфологик ўзгаришлар адабиётларда келтирилган маълумотларга хос равишда таъкидлади.

14-кунда БСларда суяк балкалари бириктирувчи тўқима ва хужайра толали тузилмалар ҳисобига ҳосил бўлди. Қайта синишларда эса дастлабки суяк қадоғида деструкция ва дезорганизация ўчоқлари аниқланди, бетартиб жойлашган хужайра-толали тутамлар шаклланишининг, периостал янги ҳосил

бўлаётган тоғай тўқимаси ва суяк қадоғига айланишининг сезиларли орқада қолиши кузатилди.

21-кунда БСда суяк балкалари тўлиқ шаклланади ва остеоид тўқиманинг ҳосил бўлиши кузатилади. Рефрактуларда эса дастлабки суяк қадоғи кўпол толали остеоид тутамлари соҳасида кузатилди. БСҚСларнинг битиши дастлабки ҳужайра-толали ва кўпол толали суяк қадоғининг қайта ривожланиши ҳисобига юзага келиши аниқланди.

28-кунда БСда кўпол толали суякдан якуний суяк тўқимасининг ҳосил бўлиши бетартиб структураларнинг массив сўрилиши ва янгисига алмашилиши ва гаверс каналлари ҳосил бўлиши кузатилди. Қайта синишларда эса якуний суяк тўқимасининг кўпол пластинаси суякдан шаклланиши бетартиб юмшоқ тўқимали структураларнинг массив сўрилиши ва уларнинг янги тўқималар билан алмашилиши туфайли юзага келган. Қайта синишнинг битиши даврида дастлабки хондропластик суяк ҳосил бўлиши, кўпол пластинаси остеоид ва эндостат яъни кўпол фиброматоз тўқимаси ўчоқларининг сақланиши билан давом этди.

Натижалар кўрсатдики, БСҚСларда суяк тўқимаси регенерацияси атипик равишда рўй беради ва БСнинг морфологик ҳолатига боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **“Болалар билак суяклари қайта синишларини даволаш натижалари”** номли бешинчи боби даволаш натижаларининг таҳлилига бағишланган. Клиник-тажрибавий тадқиқотларнинг маълумотларига асосланиб, беморларни даволаш тактикаси танлаб олинди. БСҚСларнинг даволаш тактикасини (консерватив ёки жарроҳлик) танлашда синган суяк локализацияси, синиқнинг тури (кўндаланг, қийшиқ-кўндаланг, рефрактура ёки ре-рефрактура) муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг яқин (1 йилгача) ва узоқ (1 йилдан ортиқ) муддатлардаги натижалари таҳлили ўтказилди. Иммобилизация муддатларининг якуний натижалари яхши, қониқарли ва қониқарсиз деб баҳоланди ва миқдорий баллар ёрдамида таққосланди. Ўртача ҳисобда иммобилизация муддатлари назорат гуруҳида $55,8 \pm 0,6$ кунни, индивидуал шароитларга кўра 47-65 кунни ташкил этди. Қиёсий гуруҳда консерватив даволашдан кейинги яқин даврда 3 кўрсаткичлар бўйича 64 нафар боладан 47 (73,4%) беморлар “яхши” деб баҳоланди, бир йилдан сўнг эса, қониқарли (2балл) ва қониқарсиз (1балл) кўрсаткичлари яхшиланган 56 (87,5%) болалар “яхши” деб баҳоланди. Шунини айтиш керакки, паст баҳоланган бемор болаларда бир неча асоратлар уйғун бўлган. Қониқарли баҳо узоқ муддатли иммобилизация ва ёндош бўғимлар контрактуралари, нотўғри битиш (синиқ бўлақлар бурчаги 15° гача) туфайли сегмент юмшоқ тўқималарининг гипотрофияси бўлган 4 нафар беморларга яқин даврда консерватив даволашнинг натижаларига қўйилган, секинлашган битиш 3 ҳолатда, ёндош бўғимлар контрактуралари ва секинлашган битиш 4 нафар беморда кузатилди. Узоқ муддатли даврда 11 боладан 6 нафарида мавжуд асоратлар амбулатор даволаш давомида текисланиб бориб, қониқарли натижалар кузатилди, бир йилдан сўнг эса 5 нафар беморда ҳам қониқарли натижалар кузатилди.

Назорат гуруҳининг 6 (9,4%) нафар беморига барча кўрсаткичлар бўйича баҳолар 1 баллга пасайгани туфайли қониқарсиз баҳо берилди яъни 3 нафар

болада синиқ бўлақлар бурчаги 15° дан ортиқ, бўғимлар ҳаракатланиши 50° чегараланган ва уларда контрактура кузатилган. Узоқ муддатли даврларда назорат гуруҳидаги қониқарсиз баҳо берилган болаларда 3 кўрсаткичлар бўйича натижалар яхши баҳолагача яхшилланган, қолган 3 нафар беморда бўлақлар битмай қолиши, нотўғри битиши (деформация бурчаги 15° дан юқори), сохта бўғим шаклланиши туфайли баҳоланаётган мезонлар қониқарсиз деб топилди. Назорат гуруҳида ўтказилган консерватив даволашнинг натижаларини баҳолашда кўндаланг синишлар ва ре-рефрактура кўпинча асоратлар ривожланиши ва якуний натижаларнинг қониқарли ва қониқарсиз баҳолагача пасайишига олиб келиши муҳим бўлди.

Асосий гуруҳда консерватив даволанган беморларда иммобилизация муддатлари ўртача $46,68 \pm 0,46$ кундан, индивидуал шароитларга кўра, 42-57 кундан иборат бўлди ($p < 0,001$). Таққослаш гуруҳига нисбатан барча мезонлар бўйича “яхши” баҳоси 92,2% беморларда ($p < 0,01$) аниқланди. Яқин даврда 4 (7,8%) нафар болага қониқарли деб баҳоланди, узоқ муддатда уларнинг кўрсаткичлари яхшиланди.

Иккала гуруҳ беморларида консерватив даволашнинг қиёсий баҳоси кузатувнинг биринчи йилида олинган уч мезон бўйича балларда ҳисобланди. Назорат гуруҳи болаларида ўртача кўрсаткич $2,1 \pm 0,88$ баллни ташкил этди – қониқарли натижалар. Асосий гуруҳда ўртача кўрсаткич $2,8 \pm 0,05$ баллни ташкил этди. Олинган рентгенологик маълумотларнинг таҳлили иккала гуруҳ ўртача кўрсаткичларининг аниқ фарқларини кўрсатди. Назорат гуруҳида рентгенологик кўринишнинг ўртача балл натижаси $1,8 \pm 0,09$ баллни ташкил этди (қониқарли), асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич $2,88 \pm 0,04$ баллни ташкил этди (яхши). Назорат гуруҳида рентгенологик кўринишнинг ўртача балл (қониқарли) натижаси $1,8 \pm 0,09$ баллни ташкил этди, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич (яхши натижани) $2,88 \pm 0,04$ баллни ташкил этди.

Шикастланган қўл функциялари тикланишини қиёсий баҳолашда назорат гуруҳида биллак-кафт бўғимида орқага букиш ўртача кўрсаткичи $63,0 \pm 2,16^\circ$, асосий гуруҳда $70,3 \pm 0,95^\circ$ ни ташкил этди; назорат гуруҳида кафтни букиш бурчаги ўртача $53,7 \pm 1,9^\circ$ ни, асосий гуруҳда эса $64,3 \pm 0,89^\circ$ ни ташкил этди. Назорат гуруҳида биллак-кафт бўғимида ҳаракатлар амплитудаси $116,8 \pm 3,99^\circ$ ни, асосий гуруҳда эса $134,8 \pm 1,8^\circ$ ни ташкил этди.

Назорат гуруҳида букиш бурчаги $57,7 \pm 1,13^\circ$ га тенг бўлса, асосий гуруҳда $43,0 \pm 0,71^\circ$ га тенг. Назорат гуруҳида биллакни ёзиш (ростлаш)нинг ўртача кўрсаткичи $155,6 \pm 2,36^\circ$ ни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда $170,6 \pm 0,92^\circ$ ни ташкил этди. Назорат гуруҳида ҳаракатлар амплитудаси тирсак бўғимида ўртача $99,0 \pm 0,8^\circ$ ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса $127,2 \pm 1,6^\circ$ ни ташкил этди. Шу тариқа, кузатувнинг дастлабки йилида асосий гуруҳда шикастланган қўлнинг ёндош бўғимлари ҳаракатлар ҳажми анча яхши кўрсаткичлардан иборат бўлган.

Узоқ муддатли даврда шу беморларда ўтказилган тадқиқотлар антропометрик кўрсаткичларнинг яхшилланганлигини кўрсатди (назорат гуруҳида - $2,4 \pm 0,75$ балл; асосий гуруҳда - $2,96 \pm 0,005$ балл; рентгенологик кўрсаткичлар эса мос равишда $2,75 \pm 0,06$ ва $2,98 \pm 0,02$ балларни ташкил этди).

Кафтни орқага букиш функцияларини текшириш (назорат гуруҳида $82,5^\circ \pm 0,93$, асосий гуруҳда $83,3^\circ \pm 0,65$ ни), кафтни букиш функциялари мос равишда $74,6^\circ \pm 0,71$ ва $79,4^\circ \pm 0,22$ ни ташкил этган ($p < 0,001$), ҳаракат

амплитудалари ҳам мос равишда $156,9^{\circ} \pm 1,45$ ва $162,7^{\circ} \pm 0,87$ ($p < 0,01$)ни ташкил этган ва яхши натижаларни кўрсатган. Тирсак бўғимида букиш бурчаги мос равишда $40,38^{\circ} \pm 0,66$ ва $35,7^{\circ} \pm 0,33$ ($p < 0,001$), ростлаш бурчаги эса $174,6^{\circ} \pm 0,82$ ва $180,0^{\circ} \pm 0,52$ ни ташкил этди ($p < 0,001$). Шундай қилиб, назорат гуруҳида узок муддатли даврда асоратлар 12,5% болаларда кузатилди, асосий гуруҳда эса бирорта ҳам болада кузатилмади.

Жарроҳлик йўли билан даволашнинг иккала гуруҳда яқин ва узок муддатдаги натижаларини ўрганиб чиқдик. Назорат гуруҳида 25 боладан 6 нафарида ре-рефрактура бўлган, асосий гуруҳнинг 27 беморидан 15 нафарида ре-рефрактура бўлган, бу эса назорат гуруҳига нисбатан 2,5 мартага кўп.

Назорат гуруҳининг барча беморларида синишнинг тури ва жойи инobatга олинмаган ҳолда сихлар билан интрамедуляр остеосинтез (ИМОС) ўтказилган, иммобилизациянинг ўртача муддати $61,4 \pm 0,86$ кунни, индивидуал ҳисобларга кўра 54–69 кунни ташкил этди. Назорат гуруҳида уч мезон бўйича “яхши” натижалар 16 (64%) беморда олинди, 6 (24%) нафар беморда “қониқарли” деб топилди, улардан 4 нафарида кўндаланг синишда секинлашган битиш ва ёндош бўғимларининг контрактуралари, 2 ҳолатда эса ёндош бўғимлар гипотрофияси, контрактураси ва деформацияси 15° бўлган бўлакларнинг нотўғри битиши аниқланган. Ўрганилган 3 ҳолатда яқин даврда синишнинг битмай қолиши туфайли натижалар қониқарсиз деб топилди, улардан икки беморда қайтадан жарроҳлик амалиёти ўтказилди, узок муддатли даврда 1 ҳолат юзасидан яхши натижалар олинган, 1 беморда сохта бўғим ривожланган, бу эса қониқарсиз натижа ҳисобланади.

Назорат гуруҳи рефрактурали (19 бемор) ва ре-рефрактура бўлган (6 бемор) беморларида иммобилизация ўртача муддатлари ўзаро қиёсланди, мос равишда $61,4 \pm 1,02$ ва $61,3 \pm 1,77$ кунни ташкил этди. Клиник маълумотларни баҳолаш натижалари яқин даврда рефрактураси бўлган беморларнинг $2,52 \pm 0,16$ баллни, ре-рефрактураси бўлган беморларда эса қарама-қарши равишда $2,16 \pm 0,4$ баллни ташкил этди, рентгенологик белгилар эса мос равишда $2,52 \pm 0,14$ ва $1,83 \pm 0,4$ баллар билан баҳоланди. Ре-рефрактураси бўлган бемор болаларнинг ўртача кўрсаткичлари пасайиши суякларнинг битмай қолиши, битишнинг секинлашиши, ёндош бўғимларда контрактураларнинг юзага келиши ва бошқа сабаблар туфайли содир бўлганлигини кўрсатади. Узок муддатли даврда кўрсаткичларнинг бироз кўтарилиши кузатилди: рефрактура гуруҳи болаларида $2,89 \pm 0,07$ балл ва ре-рефрактура гуруҳи беморларида - $2,3 \pm 0,36$. Узок муддатли даврда рентгенологик кўринишнинг натижаларини баҳолаш ҳам деярли шундай кўрсаткичларни намоён этди – рефрактура беморларида $2,84 \pm 0,11$ ва ре-рефрактура беморларида $2,33 \pm 0,42$ баллдан иборат бўлди.

Асосий гуруҳнинг 27 беморида сихли ИМОС + Илизаров аппарати билан комбинацион остеосинтез (КО) ва ИМОС қўлланилди. КО (17 бемор) периостал ва параоссал қадоқлар бўлмаган ҳолда (рентгенологик маълумотларга кўра), рентгенограммада суяк бўлакларининг чекка соҳаларининг склерозланишида ўтказилди, фиксация Илизаров аппаратини кўйишдан иборат бўлди, 30-40 кун ўтиб, қадоқ ҳосил бўлиши босқичларига қараб, сих олиб ташланди, ташқи фиксация аппарати 2-3 ҳафта муддатга суяк канали шикастланган сегменти бўйлаб, эндостал ва интермедиар қадоқ ҳосил бўлгунга қадар қолдирилди.

